

А Ж Р И М

*(Вояга етмаганни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш
марказига жойлаштириш тўғрисида)*

2022 йил январь ойининг 31 куни, жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар суди, ўз биносида, ёпиқ суд мажлиси ўтказиб, раислик қилувчи судья Ш.Юлдашев, судья ёрдамчиси Ю.Бобоярованинг котибалигида, Термиз шаҳар прокурорининг ёрдамчиси М.Боқиев ва Сурхондарё вилоят ИИБ ХПБ ВЕИХЁКМ бошлиғи капитан А.Саломов, психолог М.Жўраеванинг иштирокида, вояга етмаган Холназарова Меҳрибон Олим қизини “ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш тўғрисида”ги илтимосномасини ишда тўпланган ҳужжатлар асосида ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Вояга етмаган Холназарова Меҳрибон Олим қизи, 2007 йил 1 апрел куни Сурхондарё вилояти, Денов туманида туғилган, миллати ўзбек, маълумоти тагалланмаган ўрта, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, судланмаган, ота-онаси қарамоғида, Узун туман, “Биллур” маҳалласида яшайди.

Иш материалларига кўра, вояга етмаган 2007 йилда туғилган Холназарова Меҳрибон Олим қизи 2022 йил 26 январь куни соат 18:30да ота-онасини назоратсиз ва қаровсиз, доимий яшаш уйдан чиқиб кетаётганлиги, доимий равишда дарс машғулотларига бормаётганлиги, унинг ҳар қил турдаги ҳуқуқбузарлик ва жиноятларни содир этишини олдини олиш мақсадида Сарийосиё туман ИИБ ХПБ ВЕБИГ ВЕМБ психологи лейтенант И.Аллаёров томонидан шахсига аниқлик киритиш мақсадида марказига олиб келинган.

Вояга етмаган Холназарова Меҳрибон Олим қизи ҳозирда Сурхондарё вилоят ИИБ ХПБ “Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш Маркази”да сақланаётганлиги сабабли Сурхондарё вилоят ИИБ ХПБ ВЕИХЁКМ бошлиғи илтимоснома киритиб, вояга етмаган Холназарова Меҳрибон Олим қизининг назоратсизлиги, қаровсизлигини эътиборга олиб, у томонидан ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар содир этилишининг олдини олиш, уларга имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этиш вояга етмаганинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиниши таъминлаш ҳулқ-атворини шакллантириш мақсадида уни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштиришни сўраган.



Суд илтимоснома юзасидан тарафлардан прокурор М.Боқиев, марказ бошлиғи А.Саломов ва психолог М.Жўраева илтимосномани қувватлаб берган фикрларини, вояга етмаган Холназарова Меҳрибон Олим қизининг илтимосномага эътирози йўқлиги ҳақидаги фикрларини тинглаб, вояга етмаган Холназарова Меҳрибон Олим қизини ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш ҳақидаги илтимосномасини қаноатлантиришни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилак-тикаси тўғрисида”ги қонуннинг 26-моддаси, Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 26 ноябрдаги Ички ишлар органларининг вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари тўғрисидаги 269-сон қарорининг 11, 17-банди, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 423-моддасига асосланиб, суд

а ж р и м қ и л а д и :

Сурхондарё вилоят ИИБ ҲПБ Вояга етмаганлар ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази бошлиғининг илтимосномаси қаноатлантирилсин.

2007 йилда туғилган, вояга етмаган Холназарова Меҳрибон Олим қизи Сурхондарё вилоят ИИБ ҲПБ Вояга етмаганлар ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига ўттиз кун муддатга жойлаштирилсин.

Ажрим дархол ижро қилишлик учун Сурхондарё вилоят ИИБ ҲПБ Вояга етмаганлар ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази бошлиғи зиммасига юклансин.

Ажрим маълумот учун вояга етмаганга маълумот учун юборилсин.

Ажримдан норози томонлар ўн сутка ичида шикоят ва прокурор протест келтиришга ҳақли.

Раислик қилувчи

Ш.Юлдашев

